

**Косонсой ҳавзасида жойлашган қадимги манзилгоҳларда суғорма
деҳқончилик маданиятининг шаклланиши.**

Суғориш тарихини ўрганишда археологик манбалар, айниқса, катта аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва қадимги шарқда суғорма деҳқончилигини пайдо бўлиши тарихи муаммоларини ўрганиш жараёнида архаик (қадимги) нақшли сополларни ҳам тадқиқот қилиш масаласи пайдо бўлади. Бу икки мавзу ўзаро узвий боғлиқ ҳолда археологлар ишида синчковлик билан чуқур ўрганишни талаб қилади ва бу тадқиқотлар тенг ҳолда олиб борилишини тақозо этади. Хозирга қадар араблар истилосигача бўлган қадимги Фарғона тарихини ёритиб берадиган ёзма манбаларининг етарли эмаслиги туфайли, водийда суғорма деҳқончилиқни пайдо бўлиш тарихини ўрганишда фақат археология фани ихтиёридаги маълумотларгагина суянамиз ҳолос.

Ўзбекистон ҳудудида суғориш тарихини ўрганиш борасидаги кўп йиллардан бери олиб борилаётган илмий археологик текширишлар натижасида ибтидоий деҳқончилик дастлаб кўллама (лиман) усулидан, яъни аҳолининг дарё ва сойларнинг сувлари пастликка оқиб тушиб табиий кўллаб ётган ерлардан фойдаланганликлари аниқланди. Бундай усуллардаги суғорма деҳқончилик маконлари Косонсой ҳавзасининг этак қисмида учрайди. Бу эса водийда деҳқончилик ва суғориш хўжалиги бронза даврида эмас, балки анча кейин пайдо бўлган деб ҳисоблаган ХIХ-асрдаги айрим тадқиқотчиларнинг қарашларига фактик жавоб бўлди. 1939-1940 йиллардаги катта Фарғона ва шимолий Фарғона каналлари қурилишида М.Е. Массон ва Я.Ғуломов раҳбарлигидаги археологик кузатишлар, А.Н.Бернштамнинг қадимги Косон (Гўрмирон) ва Ахсикентдаги текшириш ишлари, археологлар М.Э.Воронец ва В.И.Спришевскийларнинг Чустдаги бронза даврига мансуб Буонамозор ёдгорлигида ўтказган археологик тадқиқотлари, Я.Ғуломов, И.Ахроров, А.Анорбоевларнинг Ахсикентдаги ишлари натижасида воҳанинг бронза, илк ва ривожланган ўрта асрлар даврига оид кўплаб манбалар тўпланди. Ана шу манбалар асосида Шимолий Фарғонанинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихи анча бойитилди. Хусусан, воҳанинг сўнгги бронза даврига оид қишлоқлари борлиги аниқланиб, фанга киритилди.

В. И. Спришевский 1953-1961 йиллар давомида Чуст туманида олиб борган текширишлари асосида, 1950 йилда М.Э.Воронец томонидан топилган. Буонамозор маконида яшаган одамлар бронза даврининг охирларидаёқ сунъий суғориш билан шуғулланганлар ва бу ерда сунъий суғоришнинг дастлабки шакллари мавжуд бўлган, деган ҳулосага келди.

В.И.Спришевский ва кейинги йилларда эса Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Археология институтининг бир гуруҳ ходимлари томонидан Чуст ёдгорлигини ўрганиш натижасида Фарғона водийсида, қолаверса, Республика ҳудудида аجدодларимизнинг бундан уч минг йил олдин тоғ олди зоналарида деҳқончилик билан шуғулланганликлари илмий асосда тўла исбот қилинди. Бу ёдгорлик, шимолий Фарғона ҳудуди аҳолисининг илк

деҳқончилик хўжалигига оид қимматли манбалар тарихига «Чуст маданияти»номи билан кирди ҳамда у Ўзбекистон тарихида деҳқончилик маданиятини ўрганишда янги даврни бошлаб берди.

Сўнгги йилларда республика археологлари Чуст маданиятига ўхшаш қадимги деҳқончилик изларини қўшни Тошкент воҳасида (Бурганли сой маданияти), Зарафшон водийсида (Саразм маданияти), Қарши воҳасида, Сурхандарё ва хатто Афғонистонда ҳам топиб ўргандилар. Чуст маданиятига оид археологик ёдгорликлар Косонсой ҳавзасида ҳам топиб ўрганилган. Булар жумласига Тўрақўрғон, Тергачи, Гўрмирон манзилгоҳлари киради.

Тўрақўрғон манзилгоҳи-Пилол-тепа. Манзилгоҳ Косонсойнинг чап қирғоғида Тўрақўрғон қишлоғида Чустдан 25 км шарқда жойлашган. Манзилгоҳ 1958 йилда Ю.Г. Чуланов томонидан шу ерда ўтказилган қазиш ишлари натижасида топилган. Тадқиқотлар натижасида Чуст маданиятига оид сопол буюмлар кўлга киритилган. Юқори қатламидан гарчи у қаттиқ шикастланган бўлсада эр.авв. I ва эрамизнинг I асрига тааллуқли бўлган сополлар топилган. Манзилгоҳнинг қуйи қатламидан кичкина хона очилган ва Чуст маданиятига оид сопол буюмлар топилган, шунингдек манзилгоҳдан Элатан даврига оид сопол буюмлар ҳам топилган. Бундан кўриниб турибдики ёдгорлик кўп қатламлидир, бироқ қатламларнинг қаттиқ шикастлангани учун у ерни ўрганиш ва аниқ стратиграфик маълумот бериш қийин кечди. 1980 йилда ёдгорлик Археология институти илмий ходимлари томонидан қайта текширилган. Лекин ҳозирги кунда бу ёдгорлик сақланиб қолмаган.

Тергачи манзилгоҳи. Косондан 10 км жанубдаги Тергачи ғарбий чеккасидаги Косонсойнинг ўнг қирғоғидаги сув тошадиган жойда жойлашган. Манзилгоҳ Намангандан 20 км шимолий ғарбда Тўрақўрғондан эса шимолда жойлашган. 1958 йили Ю.Г. Чуланов манзилгоҳни биринчи бўлиб ўрганади. У ерда маданий қатламни қалинлиги 60 см гача боради. Манзилгоҳдан бир қанча сариқ (соғ) тупроққа оид қолдиқлар ва бронза даврига оид археологик топилмалар кўлга киритилган. У ердан маҳаллий аҳоли ер қазиш, чопиш даврида иккита сопол идиш топишган. Улардан биттаси чархда ясалган бўлиб, юпка деворли зич қоришмали, пушти рангда. Унинг туби кенг, марказ қисми юмалоқ, гардиши тор идиш, усти оч рангдаги ангоб билан қопланган ва кенг қўнғир рангли чизиқлар билан нақшланган, лекин жуда ёмон сақланган. Иккинчи идиш эса бандли қозон кўринишида бўлиб, бандлари вертикал, юмалоқ шаклда, синган ҳолатда. Идиш ганчли, зич қоришмали, қўпол оҳак парчалари аралашмасидан тайёрланган. Манзилгоҳдан бир нечта хўжалик ямалари топилди ва улардан Чуст ва Далварзиндан топилган буюмларга ўхшаш материаллар олинди. Манзилгоҳнинг бир қисми кечки даврда қаттиқ шикастланган, у ердан ҳам антик даврга оид сопол топилган.

Гўрмирон манзилгоҳи. Манзилгоҳ маданий қатламлари Косонсойнинг чап қирғоқларидан топилган. Манзилгоҳ Тергачидан 2 км, эрамизнинг аввалги 1-асрига оид бўлган Гўрмирон мазоридан 1 км жанубда жойлашган. Манзилгоҳни 1958 йилда Ю.Г. Чуланов очади. Маданий қатламдан Чуст

маданиятига оид нақшли сопол буюмлари топилади. 1951 йилда манзилгоҳдан шимолда А.Н.Бернштам Чуст маданиятига тегишли бўлган дастлабки нақшли буюмни топган эди. Бу буюм қолдиқлари Косонсойнинг чап қирғоғида жойлашган замонавий қабристондан топилган. Бундан кўриниб турибдики Косонсой хавзасининг юқори ва ўрта оқимларида бронза давридан бошлаб суғорма деҳқончилик қилиш бошланган. Бунинг таъсири Косонсойнинг қуйи оқимида жойлашган худудларда ҳам ўз аксини топган.

Кейинги йилларда қўлга киритилган археологик, полеогеографик манбаларга қараганда, Фарғона водийсиининг дарё ва сой хавзаларида милоддан аввалги IX-VIII асрлардан бошлаб сунъий суғорма деҳқончилик кенг ривожлана бошлаган. Шохимардон-Марғилонсой ҳамда Косонсой хавзаларида олиб борилган археолого-полеогеографик изланишлар Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилик тарихига бир қатор аниқликлар киритди. Масалан: Косонсойнинг қуйи оқимида Ахсикент воҳасининг асосий қисми эр.авв. IX-VIII асрларда ўзлаштирилган бўлиб, Эски Ахси ёдгорлиги худудида. деҳқонлар қароргоҳи бўлганлиги аниқданди. Фарғона водийсидаги бир неча ўнлаб бундай қароргоҳларнинг маркази Далварзин бўлган деган хулосага келинди, яъни, Далварзин илк шаҳар сифатида Фарғона водийсидаги илк давлатнинг пойтахти бўлган бўлиши мумкин. Эр.авв. IX-VIII асрлардан бошлаб шимолий Фарғонанинг Косонсой хавзасида суғориладиган деҳқончилик йўлга кўйилиб кичик-кичик воҳача (микрооазис)лар пайдо бўлади. Бу ҳақида Эски Ахси (Ахсикент) ёдгорлиги ва унинг атрофида олиб борилган дала қидирув тадқиқотлари гувоҳлик бермоқда. Масалан: Эски Ахси ёдгорлиги тагида (объект VIII) 0,70 м қалинликда агроирригацион қатлам борлиги аниқланган. Полеогеографларнинг ҳисоб-китобларига қараганда Косонсой ва бошка сойлар (Сухсойдан ташқари)дан сув ичадиган ерларда доимий сунъий суғориш натижасида йилига 1 мм гача ётқизиқ тўпланиши мумкин. Шунинг хисобга олган ҳолда юқорида тилга олинган 0,70 м қалинликдаги ётқизиқнинг тўпланиши учун камида 650-700 йил вақт керак бўлади.

Доимий сунъий суғориш бу ерда деярли мил.авв. III-1 асрларда ўсди. Бу даврда дарё ҳамда сойларнинг ўрта ва қуйи оқимларида, хавзаларида жуда кўп ерлар ўзлаштирилади. Шу даврдан бошлаб ўз арки, муҳофаа деворига эга бўлган, ҳунармандчилиги ривожланган классик шаҳарлар пайдо бўлади. Масалан: Ахсикент ички (Ахси 1А) ташқи (Ахси 1Б) шаҳаристонга эга бўлиб, кучли муҳофаа деворлари билан ўралган. Шаҳар ва қўрғон деворлари платформалари пахсадан ва катта учбурчак ғиштлардан барпо этилган. Қалъа деворларининг ташқари қисмидан чуқур хандаклар қазилган. Шаҳар юзаси 30 га дан ўтади. Эрамизнинг бошларида шаҳар ташқарисида 5 га дан ортиқ жой пайдо бўлади, бу ерда асосан темир эритиш ва темир қуйиш ҳунармандчилиги вужудга келади ва ривожланади.

Эрамиз бошларида янги шаҳар-Косон шаҳри пайдо бўлган. Қадимги Косон харобалари-Муғтепа 2 га дан кам бўлмаган, трапеция кўринишида. Жанубий-ғарб бурчагида арк жойлашган. Рельефда бузилган қалъа деворлари кўриниб турибди, қалъага бирлашган бурчаклари мустаҳкам. Стратегия

нуктаи назаридан, Косон алоҳида устунликка эга. Баланд тепаликда жойлашган шаҳар икки томондан (жануб ва жанубий-ғарб) Косонсойдан 40 метр баландликка эга бўлган жарлик билан ўралган. Шаҳарнинг шимоли ва шимолий шарқий қисмида қўшимча мудофаа деворлари қалъани мустаҳкам ҳимоя қилган.

Шаҳар харобасида 1896 йилдан бошлаб илмий тадқиқотлар олиб борила бошланган. 1946 йилда ёдгорликни А.Н.Бернштам кўздан илмий равишда текширди. У «Шаҳарда маданий Катлам ажойиб қалинликда уларнинг қалинлиги 10 метрдан кам эмас. Бу маданий қатлам бераётган манбалардан маълум бўлдики, ёдгорлик эрамизнинг I-VIII асрларига оид» деб ёзган. 1948 йилда Муғтепада етарлича катта қазилма ишлари ўтказилди. 8 та объектда ўтказилган текшириш ишлари натижасига кўра А.Н.Бернштам қуйидаги хулосага келади.: «Косон-шаҳар қароргоҳ, қалъа-лагери эрамизнинг бошланғич даврида қароргоҳ ўрнида бўлган. Қурилиш даври асосан кушон ва турк даврига оид. Шундан сўнг у ташлаб кетилган, лекин бу ерда XI-XV асрларга оид ҳаёт изларини кузатиш мумкин». Унинг фикрича Хитой манбаларидаги Гуйшуан шаҳри айнан Муғтепа ўрнида бўлиши мумкин деб таҳлил қилади. 1951 йилдан 1983 йилгача Ю. А. Заднепровский Косонни ўрганишни давом эттирди. Натижада юқори қатламдан қурилиш қолдиқлари топилиб улар XIII-XVI асарларга оид. Буларнинг остида VI-VIII асрларга оид қурилиш қолдиқлари ҳам очилган. Пастки қатламдан қизил ангобли сополлар топилиб, Ю.А.Заднепровскийнинг аниқлашича бу сополларнинг ёши эрамизга ўтиш даврига тегишли. Шимолий мудофаа деворларининг- юқори қисми тозаланди ва қисман очилди, Ю.А.Заднепровский хулосасига кўра: «Косон Давон давлатининг пойтахти бўлган. Эрамиз бошларида ва илк ўрта асрларда (яъни VI-VIII асрларда) Фарғонанинг маркази бўлиб хизмат қилган». Ю.А.Заднепровский ва А.Н.Бернштам фикрлари бир-бирини тасдиқлади. Стратиграфик қазилма археолог олим тарих фанлари номзоди А.А. Анорбоев тмонидан олиб борилди. 1990 йилда уюштирилган текширишда, шаҳарнинг жанубий-ғарб қисмида тўла меъёрга қалъа мудофаа деворлари очиб ўрганилди. Деворлар учта даврга оид эканлиги аниқланди ва улар кетма-кет қурилган. Деворнинг дастлабкиси пахсадан материк устига қурилган ва мил.авв. I асрда қурилган деган фикрга келинди.